



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 25 май, шанба №84 (1301)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмига раиси Қозим Тўлаганов бошқарди. Мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрининг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ва маданий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, унинг 70 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди. Йиғилганлар қарор ижроси юзасидан Нукус шаҳрини ободонлаштириш, таъмирлаш-тиклаш, янги замонавий иншоотлар барпо этиш бўйича ташкилий қўмига ишлаб чиққан тадбирлар режаси билан таништирилди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш борасида мўайян Мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси Муса Ерниевоз қатнашди.

(ЎЗА).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 май кuni Оқсаройда Япония Либерал-демократик партияси Сийёси кенгаши раиси Таро Асо ҳамда мазкур партиядан ушбу мамлакат парламентига сайланган депутат Нарияки Накаямани қабул қилди.

Сизларни нафақат Япониянинг нуфузли сиёсат ва жамоат арбоблари, балки Ўзбекистоннинг яқин дўстлари ҳам деб биламиз, - деди Ислам Каримов учрашувда. - Икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш бо-

лан таъкидлар экан, бундай юксалиш барча соҳаларда намоён бўлаётгани, хусусан, сиёсат борасида кўплаб халқаро масалалар бўйича томонларнинг нуктаи назарлари муштарак эканлигини қайд этди.

Шу кунларда мамлакатимизга Япония жамоатчилиги вакилларида иборат жуда катта делегация ташриф буюради. Ўзбекистон пойтахти, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида японларнинг

Ўзбек заминидан осойиш топган юртдошлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар очилади. Маълумки, Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши даврида харбий асир сифатида мамлакатимизга келтирилган Япония фуқароларининг макрими ўзгаририлган. Бундай инсонийлик, табиийки, Кунчиқар мамлақати аҳли томонидан юксак даражада қадрланади.

Қабул чоғида меҳмонлар япон халқига эҳтироми ва одил сиёсати учун Президент

(ЎЗА).

«БОЙСУН БАҲОРИ» ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадри фестивал қатнашчилари! Хурматли меҳмонлар!

Аввало, сизларни бугунги гўзаллик ва нафосат байрами - «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон заминидан кулшадан гоёта мамнун эканимни изҳор этмоқчиман.

Унлаб хорижий мамлакатларнинг вакиллари иштирок этаётган ушбу санъат анжуманининг дунё цивилизацияси бешикларидан бири, кўҳна қадриятлар макони бўлмиш Сурхон vodiҳасида, қадимий Бойсун тупроғида ўтаётгани бежиз эмас.

Бу бетакрор масканнинг нуфузли халқаро ташкилот - ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида эътироф этилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Бу юксак эътирофни асрлар давомида халқ оғзаки ижодининг энг гўзал намуналарини, миллий урф-одатларини асраб-авайлаб келаётган ўзбек халқининг қадимий ва теран маънавиятига берилган муносиб баҳо, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу маънода, Бойсун элининг мафтункор санъати ҳам халқимиз яратган бениҳоя бой ва ранг-баранг миллий маданиятининг ўзига хос бир кўри-нишидир.

Биз халқимизнинг кўп асрлик ҳаёт тажрибасини, орзу-интилишларини ўзида муҳассам этган ўлмас ме-ро-

симиздан маънавий куч-қувват оламиз, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда мустақкам таянч, деб биламиз.

Чунки, халқ руҳининг кўзгуси бўлган фольклор санъати ўз маъно-мазмунига кўра, одамзот қалбида меҳр-шафқат, муҳаббат ва дўстлик, ҳамжиҳатлик каби эзгу туйғулар уйғотилади, ҳар бир инсонни ўзигини, қадимий томир-илдиэларини англашга даъват этади.

Ишончим комилки, сиз, бугун бошланаётган анжуман иштирокчилари, турли миллат ва элатларга хос фольклор намуналарини намоён этиш билан бирга, айни вақтда халқимизнинг қадимий санъати, юксак ижодий салоҳияти, бағрикенглик ва меҳмондўстлик фазилатлари билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўласизлар.

Мен ушбу санъат байрамини ўтказишга ўз ҳиссасини қўшган ЮНЕСКО вакилларига, барча мутасадди ташкилотларга, узоқ-яқиндан ташриф буюрган фестивал иштирокчилари ва меҳмонларига чин юракдан миннатдорлик билдираман.

Барчангизга ижодий ютуқлар, санъат воситасида халқларни ўзаро яқинлаштиришдек олижаноб ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислам Каримов, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказиш, улар ўртасида спорт ва jisмоний тарбияни кенг оммавийлаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ҳаётга кенг кўлабда тадбиқ этилаётган таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари тизимининг ўрни бекибсиз.

УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ БУХОРОГА ЙЎЛ ОЛДИ

Бухорода 26 май кuni тантанали равишда очилган ёшлик, мардлик, бирдамлик ва гўзаллик байрами - «Универсиада-2002» спорт ўйинлари мазкур ҳаётбахш тизимнинг энг юқори босқичи ҳисобланади. Анъанага мувофиқ, иккинчи бор ўтказилаётган ушбу мусобақа машъаласи Чотқол тоғ тизмаси бағридаги сўлим гўша - Паркент туманининг бандан тепаликлариде жойлашган «Физиқа-Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида офтоб нурларидан ёндириб олинди.

Сидней Олимпиадаси иштирокчиси, Пекинда ўтказилган жаҳон универсиадада дзюдо бўйича кумуш ва бронза медаллари соҳибни Абдулла полвон Тангриев ҳамда сузиш бўйича уч карра Осиё чемпиони Саида Искандарова машъалани биргалликда ёқди.

Бундай шарафли ва масъулиятли вазифа спортчи қизлар орасидан менга ишониб топширилганидан беҳад хурсандман, - дейди Тошкент Давлат аграр университетиде тахсил олаётган С.Искандарова ўза муҳбирига. - Насиб қилса, Бухородаги «Универсиада-2002»да ҳам ўзим танлаган спорт тури бўйича олтин медалларни қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Мен кўплаб халқаро мусобақаларда совриндорлар сирасида шарафланганимда ҳам бунчалик ҳаяжонга тушмаган эдим, - дейди Абдулла полвон. - «Универсиада-2002» машъаласини кўтариш менга ҳам ишонилганидан гоёта мамнунман. Бу ишончини дастлаб Бухорода ўтажак Универсиадада, қолаверса, жаҳон чемпионати ва Олимпиада ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда юртимиз байрогини сарбаланд этиш орақали оқлашга ҳаракат қиламан.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, жаҳонда Паркентдаги каби ноёб иншоот бор-йўғи йикита. Уларнинг бири Франция жанубидаги Пириней тоғларида жойлашган бўлса, иккинчиси мамлакатимизда фаолият кўрсади. Франциядаги иншоотда мутахассислар кўёш нурлари хусусиятини фақат кундузи ўрганса, Паркентда замонавий оптик қурилмалар ёрдамида кечаси ҳам илмий тадқиқотларни давом эттириш мумкин.

Ана шундай ноёб қурилмалар ёрдамида кўёш нурларини ўзига сингдирган машъала белгиланган йўналиш бўйича Бухорога йўл олди. Мамлакатимизнинг энг умидли ва иқтидорли талаба-спортчилари уни шахару қишлоқлар оша қўлма-қўл бандан кўтариб бормоқда.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев иштирок этди.

Зоҳир ТОШЎЖАЕВ, Ўза муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Қувасойцемент» акциядорлик жамияти ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қўшган катта ҳиссаси, корхонани замонавий технология асосида қайта жиҳозлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида эришган ютуқлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаолияти учун қуйидагиларга Фахрий унвон берилсин:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ

Каримов Ришад Раджабович - «Қувасойцемент» акциядорлик жамиятининг бош энергетиги

Муратов Абдуғани Рузибаевич - шифер ишлаб чиқариш цехи бошлиғи

Республикаимизда қурилиш материаллари саноятини ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги фаол ишлари, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустақкамлашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Гафуров Ганиджан - электр цехи бошлиғи

Мамаюсупов Шакир Мирзаевич - электр цехи электромонтёри

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Гелейша Мария Ивановна - шифер ишлаб чиқариш цехи оператори

Никифорова Валентина Сергеевна - марказий лаборатория бошлиғи

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Ахунова Қонаатхон Абдуллаевна - электр лабораторияси цехи электр механиғи

Мирганбаев Эрактой Эминджанович - тоғ цехи экскаватор машинисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шахри, 2002 йил 20 май.

ОРОЛБЎЙИ АХОЛИСИГА

Экологик мураккаб шароитда яшаётган Оролбўйи аҳолисига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда.

23 май кuni Оролбўйи минтақасига на-вбатдаги инсонпарварлик ёрдами етиб келди. Италияда юборилган 1053 тонна бугдой «Махалла» жамгармаси кўмағида боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга тарқатилмоқда. Тез кунларда 143 тонна гуруч, шунингдек, ўсимлик ёғи ва шакар келтирилади.

(ЎЗА).

Ўзбекистон ва жаҳон

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида маҳаллий хомашъани қайта ишлаш асосида жаҳон андозаларига мос тайёр махсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ишга туширилиши иқтисодий тизимда сезиларли сифат ўзгаришлари қилаётганлиги сир эмас. Бу ҳолатни қуйидаги бир мисолда ҳам кўриш мумкин.

ОЛИС МАДРИДАН МАКТУБ

... Олис Мадриддан «Берунийпахтасаноат» хиссадорлик жамияти раиси Баҳром Қўшақеев номига таклиф қўзғиб келганда, аввал хайрон бўлди. Унда шундай дейилган эди:

«Жамоангизни халқаро сифат ва такомиллаштириш жамгармасининг «Олтин юлдуз» соврини билан мукофотланганлиги билан чин қалбдан қўтлаймиз. Сизни Франция пойтахти Парижда ўтказилган мажлиснинг топишириш маросимига таклиф этамиз. Бош директор Алфонсо Касель».

Корхона раҳбари юзларини тер босди. Жамоа мана шундай қувончли онларга етиш учун оз-мунча меҳнат қилдим. Табиат қийинчиликлари ва сув тақчиллигига қарамадан дехқонларнинг фидокорона меҳнати натижасида етиштирилган ва тайёрловчилар томонидан қайта ишланган қорақалпоқ толасининг доғруғи дунёга таралиб турса... Тола сифатидан мамнун бўлган хорижий ҳамкорларнинг йирик мамлакатларидан келадиган таниқли бизнесменларнинг Халқаро Конвенциясига Оролбўйи саноятчиларини ҳам чорлаб турсалар...

Корхона тараққиёти босқичларига бир назар таштайлик. Қисқартirilgan илҳам технологияга асосланган мазкур корхонада жаҳон андозасига мос толарлар тайёрланадиган Ислохотлар изчил олиб борилаётганлиги, фан ютуқлари ва илғор тажрибалар кенг қўлланилаётганлиги боис корхонанинг иқтисодий салоҳияти ошиб, технологик жа-

раёнлар такомиллашди. Хусусан, ўша мавсумда 17 хиссадорлик жамяти раиси Баҳром Қўшақеев номига таклиф қўзғиб келганда, аввал хайрон бўлди. Унда шундай дейилган эди: «Жамоангизни халқаро сифат ва такомиллаштириш жамгармасининг «Олтин юлдуз» соврини билан мукофотланганлиги билан чин қалбдан қўтлаймиз. Сизни Франция пойтахти Парижда ўтказилган мажлиснинг топишириш маросимига таклиф этамиз. Бош директор Алфонсо Касель».

И.ХИҚМАТОВ, Э.БОЛТАЕВ.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

АҚШ президенти Жорж Бушнинг Оврўпо китэиси бўйлаб сафари бошланганига икки кун бўлди. У дастлаб Олмония Федератив Республикасига ташриф буюрди. Ж.Буш бу ерда бўлганда, канцлер Герхард Шрёдер ҳамда бошқа олий мартабали арбоблар билан ечимини кутаётган халқаро масалалар юзасидан фикр алмашди. Кеча эрталаб эса АҚШ раҳбари Москвага етиб келди. У РФ президенти Владимир Путин билан бўлган музокара-лариде икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, бошқа давлатларнинг НАТО билан муносабатлари, халқаро террор, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик каби иллатларга биргалашиб қарши курашиш масалалари устида фикр юритди. Мулоқотларда стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш масалалари алоҳида ўрин тутди. Ж.Буш сафари охирида икки томонлама муносабатлар ҳамда стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш, шунингдек, қатор долзарб

муаммолар бўйича шартномалар имзоланиши кутилмоқда. АҚШ президенти Россиядан сўнг Италияга ташриф буюради.

НАВБАТ — ИСЛОХОТЛАРГА

Оврўпо Иттифоқи комиссиясининг раиси Романо Проди ўз лавозонига сайланган пайтдаёқ мазкур халқаро ташкилот фаолиятида кенг қамровли ислохотлар ўтказиш ниятида эканлигини айтган эди. Энди ана шу гоёлар аниқ бир мазмун кашф этган чоғи, комиссия мазкур ҳужжатни маъқуллади. Унда ташки сиёсат, мурдофа тизимлари, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандликка, халқаро террорга қарши кураш масалаларига алоҳида ургу берилди. Р.Проди яқинда Оврўпо Иттифоқи парламентида сўзга чиқиб, бўлажак ислохотларни батафсил шарҳлаб берди.

РЕФЕРЕНДУМГА ҚЎЙИЛАДИ

Ўрта Ер денгизидеги Испания чегараларига туташ минтақа — Гибралтар бугун деярли бир асрдан буён иктилофга сабабчи бўлиб келмоқда. Зотан, мазкур ҳудуд тарихан Испанияга қарашли бўлса-да, аҳоли

унинг Англия таркибиде бўлиши тарафдори. Яқинда Буюк Британия бош вазири Тони Блэр ҳамда Испания ҳукумати раҳбари Хосе Мария Аснар бу масалани оқилона ҳал қилиш учун ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли ўртасида референдум ўтказиш мақсада мувофиқ, деб топдилар. Аммо, референдумнинг қачон бўлиш муддати аниқ белгиланмади.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЙЎЛГА ЧИКДИ

Тожикистон билан Афғонистон чегараларидан ўтувчи йўлларда катта юк машиналари пайдо бўлди. Чунки, кунде кеча 70 тонна инсонпарварлик юклари ортилган 8 та оғир машина йўлга чиқди. Улар Панж ва Қундуз шаҳарларида қийин аҳволда яшаб турган қочоқлар учун турли жил махсулотлар, қийим-кечаклар ҳамда дори-дармонлар олиб бормоқда.

СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Японияда ва унга туташ мамлакатларда шов-шув уйғотган террорчи «Аум Синрикё» маъзабининг раҳбари Секо Асахари устидан бўлаётган суд 6 йилдан бери давом этмоқда. Энди бу босқичда оқловчилар сўзга чиқа бошладилар. С.Асахари 13 жиноят бўйича, жумладан, 1995 йилда Токио метросида одамларни газ би-

ТАКАЛАГАН ОДАМ

Туладаги Алексин шаҳрида яшовчи Николай Алдуниннинг ишчибозлиғи бошқарушига ўхшамайди. У микроминиатюра устаси. Энг моҳир одамларни халқ ичида бургага така қоқа олади, дейишди. Ниҳоят, шундай одам топилди. Н.Алдунин аввал бурга ясади. У тиллодан бўлиб, катталиғи 2 мм эди. Кейин унга така қокди. Тақанин кенглиғи 2 микрон, йўғонлиғи 1,5 микрон. Така ҳам, миклар ҳам тиллодан ясалди. Унинг бу муваффақиятини эшитган кўплаб музейлар Н.Алдунин бурғасини қўлга киритиш талвасига тушиб қолдилар.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Касаба уюшма ҳаёти

ШАРТНОМАДА — МЕҲНАТКАШ МАНФААТИ

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро муносабатлар шартномалар орқали ифодалангани ва амалга оширилади. Шу боис шартномалар қанчалик мукамал бўлса, шунчалик самара беради. Бу борада Тойлоқ туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги корхона, хўжаликларда диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Улуғбек номи ширкат хўжалиги касаба уюшма кўмитасининг фаолиятидан қониқиб ҳосил қилиш мумкин.

Жамоада 1893 нафар ходим меҳнат қилади. Дала ишлари қизгин мавсумларда уларнинг сони уч мингга яқинлашиб қолади. Ишловчиларга қулай шарт-шароит яратиб бериш, меҳнатни муҳофаза қилиш, манфаатдорлигини ошириш хўжалик бошқарувининг доимий эътиборида.

— Хўжалигимиз кўп тармоқли. Галлачилик, картошчилик, мева-уруғчилик, чорвачилик соҳаларининг ўзига хос хусусияти бор. Булар иш шароити билан боғлиқ ҳолда фарқ қилади, — дейди хўжалик раҳбари Мухоммад Тўраев. — Ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришиш учун меҳнаткашларнинг иш ва дам олиш шароити яхши бўлишига, манфаатдорлиги ошишига эришишимиз керак. Шу сабабли мавжуд 19 та дала шийпонини талаб даражасида таъмирлади. Техника хавфсизлигини таъминлашга 1,7 миллион сўм ажратилди. Бундан ташқари, захарли қимёвий воситалар билан ишлайдиганларга 8-10 фоиз миқдорда кўшимча ҳақ тўланадиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси жамоа шартномасида белгилаб қўйилган. Бу йил касабақўмитанинг таклифи билан жамоа шартномасига озгина янгилик киритдик. Яъни, техника хавфсизлиги қоидаларини бузмаганлар ва меҳнат муҳофазасини яхшилашга амалий ҳисса қўшганларга йил охирида мукофот бериладиган бўлди.

Тахминан икки йиллар муқаддам хизмат сафари чоғида мен ушбу хўжаликда тузилган жамоа шартномаси билан танишган эдим. Унда жиддий камчилик-

лар мавжуд эди. Ўтган вақт мобайнида касаба уюшма кўмитаси жамоа шартномасини мукамаллаштириш борасида қатъият билан иш олиб борганлиги сезилиб турибди. Касабақўмитаси ўқтам Сувонов бу ҳақда шундай дейди: — Ўша вақтларда меҳнаткашларнинг фикр-мулоҳазаларини ўргандик. Жуда кўп таклифлар тушди. Меҳнаткашлар манфаатларига дахлдор кўлгина масалаларни умумлаштириб жамоа шартномасига киритдик. Бир қисми эса пудрат ҳамда меҳнат шартномаларида ифода этилди. Умуман айтганда, шаклидан қатъи назар шартномаларнинг муносабатларни такомиллаштиришга интиляямиз. Жамоа шартномасини ишлаб чиқариш, амалга ошириш борасида ҳозир муайян тажрибага эгамиз. Лекин пудрат шартномаларида меҳнаткашлар манфаатларининг ифодаланиши масаласи бултур касабақўмитасида илк бор муҳокама қилинди. Бунга иқтисодчи, ҳуқуқшунос мутахассислар жалб этилди. Очиги, шунга қадар пудрат шартномаларида бирёқламалликка йўл қўйилган экан. Бундай камчиликларга барҳам берилди.

Бу гапларнинг тасдиғини топиш учун хўжаликнинг ички пудрат шартномаларини аввалгилари билан таққослаб кўздан кечирдик. Ҳозир амалда бўлган шартномаларда пудратчиларнинг ҳуқуқлари, яъни уларга тўланадиган ҳақ, ортиқча етиштирилган маҳсулотнинг қанча қисмини бериш, пудратчиға етказилган зарарни қоплаш каби масалалар аниқ белгиланган. Бундай пухта тузилган шартномалар пудратчиларнинг аниқ мақсадни қўлаб ишлашига имкон беради. Бошқача айтганда, шартнома шартини тўлиқ бажариб, ортиқча маҳсулот етиштирганда деҳқон ўзининг қай даражада манфаатдор бўлишини олдиндан билади. Айни мана шу масалада касабақўмитаси ташаббускор ва ташкилотчи бўлганлиги қувончлидир.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Бор бўл, оқибат

Шифокорларнинг машаққатли ва ҳалол меҳнати тўғрисида қанча гапирилса камлик қилади. Айниқса, мустақиллик йилларида бу соҳада ҳам туб ўзгаришлар бўлаётганлиги, касалхона ва кишлоқ врачлик бўлимларининг замон андозаларига мослаштирилаётганлиги кишилар мушқулсини осон қилмоқда.

НАЖОТКОРЛАР

Ўғлим тўққизинчи синф ўқувчиси Мансур Хушвақтов тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Аввалига қорин оғриғи бўлса керак, дея тахмин қилиб, даволатдик.

Шахрисабз туманидаги 2-марказий касалхонасининг шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимида ҳам ўғлимнинг аҳоли унчалик яхшиланимади. Ниҳоят, шу касалхонанинг жарроҳлик бўлими мутахассислари ошқозон яраси хуружи, деб ташхис қўйишди.

Кўп ўтмай шифокорлар Мансуржонни операцияга ётқизишди. Жараён анча оғир эди. Ўз касбини пухта билган жарроҳлар — Улуғбек Жалилов, Мухлис Саралидзев ва Шухрат Узоқовларнинг бир неча соатлик саъй-ҳаракатлари сабабли операция муваффақиятли чиқди.

Ҳозирги кунда Мансуржон соғайиб, яна қадрдон мактабига — дўстлари хузурига қайтди. Қўли энгил шифокорларга газета орқали ўз миннатдорчилигини билдириб, эл саломатлигини муҳофаза қилиш ишларида ютуқлар тилайман.

Зоҳира ХУШВАҚТОВА, Шахрисабз туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун соҳа ходимлари олдиға масъулиятли вазифалар қўйди. Улар зиммадаги вазифани чуқур ҳис этиб, давлат хазинасини тўлдириш, солиқ қондаларини фуқаролар онги-шуурига чуқур сингдириш борасида ибратли тадбирларни амалга оширишга шай. Буни Беруний туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар жорий йил биринчи чораги режасини 114 фоизга адо этидилар.

— Мақсадга эришишда аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари алоҳида ўрин эгалламоқда, — дейди инспекция бошлиғи М.Ибрагимов. — Жумладан, ходимларимиз олис овуларда, фуқаролар йиғинларида бўлиб, солиқ тўловчиларга давлатимиз равнақи ва ривожланиши йўлида солиқлар қандай аҳамият касб этишини ҳаётий мисоллар орқали тушуништиришмоқда. «Шаббо»з, «Хоразм», «Қиёт» каби 6 та маҳалла фуқаролариға солиқ қонунчилиги

СОЛИҚ ҚОИДАЛАРИ

Унга ким қандай рияз этмоқда?

тўғрисида мутахассислар атрофида тушунча беришди. Туман прокуратураси хузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда 16 та корхона ва ташкилотда ўқув-семинарлар ўтказилди. Шунингдек, 2002 йилги солиқдаги ўзгаришлар бўйича ўтказилган семинарда Қораканли туманидаги Республика Давлат солиқ бошқар-

кува тумани ғаллакорлари ўрим-йиғим мавсумига пухта тайёрларлик кўрдилар. Бу борада туман давлат машина-трактор хиссдорлик жамиятида иш қизгин бормоқда. 6 та «Кейс», 16 та «Енисей» ва 9 та «Нива» комбайнлари сифатли таъмирланиб, ғалла ўрмига тайёрлаш ишлари намунали тарзда амалга оширилди.

Суратда: тажрибали комбайнчлар Олимжон Тешабоев ва Хусанбой Парпиев.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.



«Амубўхороқаналқурилиш» хиссдорлик жамияти вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муносиб ўрин тутаётган меҳнат жамоаларидан бири саналади. Бунёдкорлар зиммасига гоётда масъулиятли вазифалар юклатилган.

Чунноқи, воҳодаги барча суғориш иншоотлари, канал ва дамбалар орқали сув таъминотини йўлга қўйиш айна шу жамоа аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилади. Бундан ташқари, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, кўплаб ирригация-мелиорация тармоқларини барпо этишда ҳам уларнинг хизматлари бе-ниҳоя катта. Бундан бир йил муқаддам «Ишонч» саҳифасида маъруз жамият ва унга қарашли кўчма механизациялашган жамланмаларда меҳнат муҳофазаси талаблари унутилиб, шовша-шошарлик билан иш юритиш нечоғлиқ қимматга тушганлиги хусусида танқидий мақола чоп этилган эди. Унда 5 нафар ходимнинг тақдирини фожиали туғанганлиги баён этилган эди. Жамиятнинг янги раиси Чўли Нусратов олдинги йилларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга учун астойдил киришди.

— Биринчи навбатда

БИР МАҚОЛА ФОЙДАСИ

ишловчиларга яхши шарт-шароит яратилиб, меҳнат муҳофазасига эътибор қаратдик, — дейди жамият раиси. — Шароит шундай йўл тутишни тақозо этарди. Тан жароҳатлари билан туғанган бахтсиз ҳодисалар тақорланмаслиги учун меҳнат хавфсизлиги талабларига қатъий рияз этиш ҳар бир ишчи-хизматчи, ходиму раҳбарнинг биринчи галдаги вазифасига айланди.

Шу муносабат билан жамоа аъзоларининг иштироки билан муҳокамада тасдиқланган битим йил давомидаги дастуриламал ҳужжатга айланди. Битим вилоят касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси тасдиқидан ҳам ўтказилди. Кейинчалик бу муҳим ҳаётий қўлланма асосида қўйи ташкилотларда ҳам зарур меъёрий ҳужжатлар тузиб чиқилди. Уларда йил давомида меҳнат муҳофазаси учун суғарилиши лозим

Мавзуга қайтиб

бўлган маблағларнинг аниқ ва равшан қилиб кўрсатилишига эришилди. Шундан

маъмурий идорасидан тортиб, қўйи босқичдаги ташкилотларида ҳам техника хавфсизлиги бўйича ўқув хоналари, махсус кабинетлар фаолият кўрсатиб турибди. Уларнинг барчаси замонавий талаблар даражасида қайта жиҳозланган.

Шунингдек, электр, ёнғин хавфсизлиги талабларига рияз этиш юзасидан оғоҳлантирувчи ёзувлар кўзга кўринарли жойларга илиб қўйилган. Буйруқ асосида жавобгар шахслар бириктириб қўйилган. Улар назорат ишларини ташкил этиш билан бирга вақти-вақти билан йўриқномаларни ўргатишга ҳам бош-қош бўлмоқдалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан ишлаб чиқилган йўриқномадан ҳар бир ходим тўла-тўқис хабардор қилиниб борилаётганлиги тўғрисида кейинги йилда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса қайд қилинмади. 3-қурилиш монтаж бошқармаси, 5 ва 7-сон кўчма жамланмаларга ўхшаган пешкадам жамоаларда 2002 йил режаларини бажариш учун самарали меҳнат қилинаётди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

УЙ БЕКАЛАРИ КИЧИК КОРХОНАГА

Чуст тумани «Дўзанда» маҳалласилик Кўпайсин Бойбулова «Гўзал» хусусий кичик корхонасини очиб, уйда ўтириб қолган 20 нафар хотин-қизга тикувчиликни ўргата бошлаганига беш йил бўлди. Бу давр ичида юзлаб хотин-қизлар чекарлик сир-асорларини ўрганиб, мустақил ишлаб кетишди.

Кўпайсин неварининг довуғи бутун водийга таралган. Бу ёғи Фарғона-ю, у ёғи Андижондан қизлар

да жойлашган кичик корхонада йигирма беш нафар қиз тикувчиликни ўрганишгапти. Бу қизларга ойлик маош ҳам берилади.

Кўпайсин Бойбулова ўтган йили вилоятда бўлиб ўтган «Келинлар либоси» кўрик таълови голиби бўлди. «Ўзбекистон мустақиллиги йиллиги» кўрак нишонини билан тақдирланди. Бу эътибор унга катта масъулият юкледи.

ФАЙЗЛИ ОҚШОМЛАР

ролар йиғинлари фаоллари, маданияти ва маънавият муассасалари вакилларининг чиқишлари, хаваскор хонанда ва соҳна артистларининг дилрабо куй-қўшиқлари оқшомга фойз киритади. Бу тадбир ёшлар ўртасида тур-

ли жиноятларнинг олдини олиш, самарали меҳнатдан сўнг меҳнаткашларнинг кўнгилли ҳордик чиқаришларини таъминлаш мақсадида уюштириляпти. «Жума оқшоми» туман меҳнат ва аҳолини иш

Таҳлил

қилувчи Азат Юлдашев дўконидаги 324600 сўмлик маҳсулотлар мушаддас қилиниб, жаримага тортилди.

Эътиборлиси шундаки, солиқларни ўз вақтида тўлаётган корхоналар ҳукуматимиз томонидан рағбатлантирилмоқда. Тумандаги ана шундай 53 та корхона кўшимча қиймат, мол-мулк, ер солиқларидан имтиёзларга эга бўлишди. Бундан ташқари, фаолият кўрсатаётган 2 нафар юридик шахс Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2005 йилгача бюджетга тўлашни лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан тўла озод этилди.

Б.ЭРНАҚСОВ, Б.ЭРНАҚСОВ, «Ишонч» мухбирлари.

Саховат

Халқимизнинг азалий урф-одатларидан бири болаларни эъзозлаб, ардоқлашди. Кейинги вақтларда ўтказилаётган қатор тадбирларнинг мазмун ва мақсади ҳам ўзбек халқининг бола-жон халқ эканлигини амалда намойиш этмоқда. Корхона, ташкилот, фирма ва хусусий тармоқ вакиллари баҳоли қудрат болаларга саховат кўрсатиб келмоқдалар.

ТЕКИН СУҒУРТА ҚИЛИНДИ

«Йўловчи» суғурта компаниясининг Бекобод шаҳрида жойлашган вилоят филиали ҳам савоб ишдан четда қолмади. Ташкилот раҳбари Ражабой Бағиров ташаббуси билан Бўкадаги «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланувчи 157 нафар бола бепул суғурта қилинди. Суғурта маблағи ҳар бир бола учун 10 минг сўм миқдорда белгиланди.

Болаларга таълим бераётган 3-мактабнинг 60 нафар ўқитувчиси ҳам ихтиёрий равишда суғурта шартномасига имзо чекдилар. Уларнинг ҳар бири йил мобайнида суғурта идораси ҳисоб рақамига 500 сўмдан пул ўтказдилар. Зарурат пайдо бўлган тақдирда суғурта идораси ходимлари қўлланма асосида иш юритиб, суғурта маблағини белгиланган муддат ичида эгаларига етказиб бермоқдалар. Яқинда «Зафар» автобус-такси саройининг ҳайдовчиси Раҳматжон Ғойиповни йўловчи автомобил уриб юбориши натижасида бахтсиз ҳодиса юз берди. Воқеадан хабар топган суғурта идораси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги қарорига амал қилган ҳолда 72 соат ичида Ғойиповлар хонадонига 10 минг сўм суғурта маблағини етказиб бердилар.

Ҳозиргача Тошкент вилоятидаги 180 та турли ташкилот, корхона, фирмалар, хусусий тадбиркорлик тизимлари «Йўловчи» билан шартнома имзолдилар. Х. ТЕМИРОВ.

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

уни ҳар бир мутасадди чуқур ҳис этсин

Санқли кунлардан сўнг республикамизнинг энг сўлим, баҳаво жойларидаги болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари гавжумлашиб қолади ва ёз буйи фарзандларимиз ушбу масканларда мириқиб дам олишади. Бу йил ҳам Тошкент вилоят касаб ва уюшмалари кенгашига қарашли оромгоҳларда вилоят ишчи-хизматчилари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятидан келган болалар дам олиб, соғликларини тиклашади.

Ҳўш, ўтган йилги мавсумнинг якуни қандай? Бу йил мазкур тадбирни янада яхшироқ ўтказиш учун нималарга эътибор бериш лозим?

Куни-кеча Бўстонлик туманидаги «Хумо» болалар оромгоҳида жорий йилда болаларни ёзги дам олдирди ҳамда соғломлаштириш мавсумига тайёргарликнинг бориши ва уни намунали ўтказишга бағишланган семинарда шу ҳақда гап борди. Мазкур йилгида Тошкент вилоят ҳокимлиги ҳамда бевосита болаларни ёзги соғломлаштиришда иштирок этадиган корхона ҳамда муассасаларнинг вакиллари иштирок этишди.

Дарҳақиқат, 2001 йил мавсуми ўзига хос тарзда кечди. Вазирлар Маҳкамаси «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофизат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисида» қарор қабул қилган. Шунга кўра Орол бўйидан келган 4725 нафар болалар вилоят оромгоҳларида дам олдирди. Мавсумда жами 22 минг 90 нафар болалар хордик чиқариб, белгиланган режа 140 фоизга бажарилди. Оромгоҳларни мавсумга ҳозирлаш ишларини тармоқ касаб ва уюшмалари вилоят кўмиталарининг техник нозирлари ҳамда махсус тузилган комиссиялар мунтазам равишда назорат қилиб бордилар.

Асосий оромгоҳлар мавсумга ўз вақтида шайланди. Лекин «Саломатлик-Р» хиссадорлик жамияти ўзига қарашли «Лола» ҳамда «Дўстлик» оромгоҳларини белгиланган вақтда шайлай олмади. Агроекономика мажмуи ходимлари касаб ва уюшма вилоят кўмитаси ҳамда Бекобод, Бўқа туманлари ҳокимликларининг мазкур ташкилот раҳбарларига бир неча бор қилган муражаатларига ижобий жавоб бўлмади. Натижада бу икки оромгоҳ ўтган йили ўз фаолиятини тугатди.

Айрим корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маъмуриятлари масканларни мавсумга ҳозирлаш ишларини пайсалга солидилар. Натижада вилоят ҳудуди коммунал фойдаланиш бirlашмасининг «Бахт» ҳамда «Бекободцемент» хиссадорлик жамиятларининг «Цементчи», «Энергоиндустрия қурилиш» ишлаб чиқариш бirlашмасининг «Оқ елкан» оромгоҳлари мавсумга кечикиб тоширилди.

Бирок, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йили Оролбўйидан келган болаларга етарли даражада жой ҳозирланди, улар учун қулай шарт-шароит ўз вақтида яратилди. Айниқса, бу муҳим тадбир Олмалик тоғ-металлургия қўшма ширкати «Тонг», «Электромаш» хиссадорлик жамиятининг «Хумо», «Ўзпахтасаноатсотиш» хиссадорлик жамиятининг «Келажак» бола-

лар оромгоҳларида яхши йўлга қўйилди. Вилоят касаб ва уюшмалари кенгаши қарорига биноан Оролбўйидан келган болалар дам олаётган ҳар бир оромгоҳга масъул ходимлар бirlитилиб, барча юзага келган муаммолар ўз вақтида бартараф этилди.

«Сумча» масъулияти чекланган хиссадорлик жамиятига қарашли «Сумча» оромгоҳида, Бўқа туманидаги 15-сонли Меҳрибонлик уйининг 155 нафар ҳамда Ангрендаги 34-сонли мактаб-интернатнинг 218 нафар тарбияланувчилари имтиёзли равишда дам олдирилди.

Каерда интилиш, иштиёқ бўлса ўша ерда муваффақият бўлиши табиий. Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаб ва уюшмалари вилоят кўмитаси тасарруфидидаги «Хумо», «Чимён», «Оқ елкан», «Коинот» оромгоҳлари ҳақида шундай илқ сўзларни айтиш мумкин. Тармоқ кўмитаси мазкур оромгоҳларнинг кутубхоналарига 86 минг, тармоқ Марказий кўмитаси эса 251 минг сўмлик китоб ҳамда қўлланмалар харид қилиб берди.

Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаб ва уюшмаси вилоят кўмитасига қарашли «Йўлчи» болалар оромгоҳида ҳам мавсумий ишлар яхши йўлга қўйилди. Бу ерда болаларнинг кўнгилли хордик чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. «Маънавият ва маърифат» хонаси, кинозал, турли тўғрақлар, сув ҳавзаси, спорт майдончалари мунтазам ишлаб турди.

Жорий йилда вилоят касаб ва уюшма кенгаши жами 18 та шаҳар ташқарисидаги оромгоҳда 16515, мактаблар қoшида очиладиган 24 та оромгоҳда 2310 нафар болаларни дам олдирди ҳамда режалаштирмоқда. Албатта бу муҳим вазифа вилоят ҳокимлиги ҳамда барча мутасадди ташкилотларнинг ҳамкорлиги ва бевосита ёрдами билан амалга оширилади. Шу боисдан мавсум масъулиятини ҳар бир мутасадди теран ҳис этмоғи лозим.

Семинар қатнашчилари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Матлуба АЛИЕВА — вилоят санитария-эпидемиология марказининг бош мутахассиси:

— Мен барча оромгоҳ бошлиқларини ичимлик суви ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатли ва талаб даражасида бўлишини таъминлашга қақираман. Чунки, ўтган йили айрим оромгоҳларда сифатсиз овқатдан зарарланиш ҳоллари юз берган. Шу боис ҳар бир истеъмол қилинадиган маҳсулот шифокор назоратида бўлиши зарур.

Ҳайридин МИРОЛИМОВ — Бўстонлик туман ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари:

Туманимиз чегара район ҳисобланади. Бир томони Қирғизистон бўлса, ёнимиз Қозоғистон. Шунинг учун ҳам болаларни дам олдирди ҳамда махсус ҳар бир киши ҳушёрлигини ошириши лозим. Айниқса, кечалари ёритиш мосламаларининг яхши ишланиши таъминлаш керак. Ҳар бир оромгоҳ телефон алоқаси билан таъминланиши лозим. Йўллар ҳам тартибга келтирилиши даркор. Мана шу марсаларга эътибор берилса, мавсум кўнгилдагидек ўтади.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Мамлакатимизда 1996 йили Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тузилиб, жойларда бўлимлари ташкил этилган эди. Айни пайтда унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ҳамда жойлардаги жамоатчилик марказлари фаолият кўрсатмоқда. «Нуроний» жамғармасининг Галлаорол тумани бўлимида ҳам анчагина ибратли ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда мазкур туманда 234 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, 2500 нафардан зиёд фронт ортида меҳнат қилганлар, 20 нафар байналмилал жангчилар, 29 нафар 100 ёшдан ошганлар истиқомат қилишмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурига биноан туман ҳокимининг қарорига кўра «Нуроний» жамғармасига «Музбулок» ширкат хўжалигидан 5 гектар суви, «Қўқбулок» ширкат хўжалигидан 50 гектар ер майдони ажратилди. Шунингдек, Даврон Йўлдошев номи, Музбулок, Қипқоксув ширкат хўжалиқларидаги 10 гектар майдонда «Нуронийлар боғи» барпо этилиб, кексалар ихтиёрига берилди. «Нуроний» жамғарма-

си туман бўлими ҳисоб рақамига ҳар ойда ҳоимлар томонидан маблағ ўтказиб берилмоқда.

Туман марказий шифонасида 2 та «Қариялар хонаси» ташкил этилиб, жиҳозланди. Шунингдек, тумандаги «Маржон суви» шифонасида улар учун 2 та хона ажратилди ва унда қариялар бепул доволашмоқда. Шу йилнинг апрел ойда 10 нафар қарияга Тошкент шаҳридаги ситагоҳга доволаниш учун бепул йўлланма берилди. Туман газлаштириш идораси томонидан 2 на-

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

КОММУНАЛ ТўЛОВЛАРДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

фар кам таъминланган қария хонадонига табиий газ киритилди. Туман газлаштириш идораси, сув оқими, электр тармоқлари корхонаси томонидан 20 нафар отахон коммунал хизматлар (табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви) тўловидан озод этилган.

Шу йилнинг феврал ойда 6 нафар ишчи-хизматчини нафақага чиқариш маросими ўтказилди. «Отахонлар ва онахонлар — неваралар нигоҳида» мавзусида мактабга тарбия муассасалари ва умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ўртасида туман расмлар қўрик-танлови бўлди.

— Нуронийларимиз изатда. Уларга туман ҳокимлиги томонидан алоҳида меҳрибонлик кўрсатиля-

миш ёшни қоралаб қўйганлар. Бундай саҳоватпеша қариялар туманда қўллаб топилади.

Вилоят ҳокими қарорига асосан «Нуроний» жамғармаси бўлимлари «Дамас» енгил автомашинаси билан таъминланган. Шу боисдан жамғарма бўлимлари иши анча яхшиланди. Узоқ қишлоқ ва овуллардан истиқомат қилаётган отахон ва онахонларнинг иссиқ-совуғидан тез-тез хабар олиш, уларга ёрдам бериш имкониятлари яхшиланди.

Қариялар кўрсатилаётган меҳрибонликлардан чексиз мамнун бўлишиб, Юртбошимиз ҳамда ҳукуматимизга миннатдорчилик билдиришмоқда.

Бўрибой НОРКУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Кейинги йилларда Пахтабод универсал бозорининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Миллий услубда ишланган дарвоза, замонавий дўкон ва расталар бозорни янада ободонлаштирди.

БОЗОР ОБОД - ЮРТ ФАРОВОН

— Янги савдо нуқталари қурилиши, борларининг таъмирланиши, бозор майдонлари, унга туташ кўча ва йўлларга асфалт ётқизиши, хуллас ҳамма-ҳаммаси бозоримизнинг обрўсини анча кўтарди, — деди «Пахтабод универсал бозори» акциядорлик жамияти раиси Одижон Мамажонов «Туркистон-пресс» муҳбирига.

— Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари нархини арзонлаштириш мақсадида бозор ходимлари, айниқса савдо-тайёрлов идоралари ходимлари махсулот етказиб бериш борасида хўжаликлар билан манфаатли шартномалар тузишади.

Бошқача айтганда, биз фермер ва деҳқон хўжалиқларидан қишлоқ хўжалик экинларини харид қилиб, олиб сотарларнинг йўлини тўсамиз. Бу ўз навбатида даромад бўйича топшириқларни 1,5-2 баравар зиёд бажаришимизга имкон бермоқда.

ТАЪТИЛ

Саволингизга Республика соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва уюшма Марказий кўмитасининг бош ҳуқуқшуноси Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: Муассасада ишлаганимга олти йилдан ошди. 2001 йилнинг август ойида меҳнат таътили олган эдим. Навбатдаги 2002 йил учун меҳнат таътилини ёз ойда, яъни июлда олмақчиман. Айтингчи, июл ойида таътил олишга ҳуқуқим борми?

Кимлар ёз ойда ёки хоҳлаган вақтда таътил олиш ҳуқуқига эга?

Х.АБДУСАЛОМОВ,
Жиззах шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 133-153-моддаларида ходимларга бериладиган йиллик меҳнат таътиллари тўғрисида маълумотлар берилган.

Қонунга мувофиқ ҳар бир ходим ҳар йилида меҳнат таътилида бўлиши шарт. Бу ходимларнинг саломатликларини тиклашга ёрдам беради ва ҳар қандай касалликларга чалинишининг олдини олади.

Сиз ўтган йили август ойида меҳнат таътилида бўлган экансиз ва бу йил июл ойида чиқмоқчи экансиз. Қонунда белгиланишича, муассасадаги ҳар бир ходим навбатма-навбат йил давомида меҳнат таътилида бўлиши зарур.

Меҳнат кодексининг 143-моддасига асосан йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун ходимга олти ой ишлагандан сўнг берилади. Ходимларга иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун меҳнат таътили календар йил бошлангунга қадар иш бериш томонидан касаб ва уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланган таътиллار жадвали асосида берилади.

Таътиллار жадвалини тузишда муассасанинг ходимларга йилнинг охирида таътил берилади. Бу ходимлар ўртасидаги норозиликларга ва таътил учун бериладиган пул маблағларининг етишмаслигига олиб келади.

Амалдаги қонунга асосан қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

— I ва II гуруҳ ногиронларига;

— 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

— ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

— таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийётганларга уларнинг хоҳишига кўра имтиҳонлар ва лаборатория, имтиҳон сессиялари вақтига тўғрйлаб;

— жамоа шартномаси қилинмишида назарда тутилган бошқа ҳолларда;

— ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

Муаллимлар ва ўриндошлик асосида ишлаётганлар тўғрисида ҳам тушунтириш бериб ўтиш ўринли деб биламан.

Муаллимларга, албатта, ўқувчиларнинг ёзги таътил вақтида уларга ҳам таътил берилади.

Мақтаблар, хунар-техника билим юрлари, олий ва ўрта махсус ўқув юрлари, кадрларнинг маълумасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимларига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъий назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Ўриндошлик асосида ишлаётганларга асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда асосий иш жойида неча кунга таътил берилган бўлса, ўшанча иш кунли микдорда таътил белгиланади.

Ходимларнинг ўз вақтида меҳнат таътилида бўлиши ва таътиллари жадвалининг тўлиқ бажарилиши касаб ва уюшма кўмитасининг доимий назоратида бўлиши зарур.

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаб ва уюшма Марказий кўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АХМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: Меҳнат таътиллари неча кун берилади? Умуман аёлларга йиллик таътиллари бериш навбатини белгилашда имтиёзлар қандай?

Н. СОБИРОВА,
Қўқон шаҳри.

ЖАВОБ: Йиллик асосий таътил ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 134-моддаси).

Таътил даврига тўғри келиб қолган ишланмайдиган кунлар деб ҳисобланадиган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмай-

қан аёлларга йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёҳуд болани парвариш таътилидан кейин берилади.

14 ёшга тўлмаган I ва ундан ортқ болани (16 ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади. (144-модда).

РАҒБАТ - УНУМЛИ ИШГА ДАЪВАТ

Юрда маъмуриятлик яратиш, аҳоли ижтимоий ҳимоясининг биринчи шартини — эл ризқини етарли даражада таъминлашдир. Шу боис ҳам давлатимизда галла мустақиллигига эришиш йўлида кейинги йилларда кўпгина ишлар амалга оширилди.

Чироқчи туманидаги Чиял ширкат хўжалиги асосан галлачиликка ихтисослашган. Чияликлар бу йил 7,5 минг гектар лалми ерда галла етиштирилди. Ҳозирги кунда бу ерда мавсумга қизгин тайёргарлик кўриляпти. Уни уюшқоқлик билан ўтказиш учун тадбирлар белгиланди. Қомбайчи ва ишловчиларга ҳар беш кунда иш ҳақи ва рағбатлантириш пули берилади. Меҳнат хавфсизлиги чоралари ҳам қўрилмоқда.

— Лалми ердаги ҳар гектар галлазордан 15-18, суғориладиган майдонлардан 45 центнердан ҳосил олиш ниятидамыз, — дейди хўжалик раҳбари Норбой Элмуродов.

Дарвоқе, ижтимоий муҳофаза масаласи ҳам хўжаликда доимий эътиборда. Ширкат аъзолари гуруҳ, ўсимлик ёғи каби зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаб борилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида ишловчиларнинг унумли меҳнат қилишида муҳим омил бўлмоқда. Бу йил «Чиял» деҳқонлари давлатга 7 минг тонна сарадон сотишни мақсад қилганлар. Ана шу эъзу ниятга етиш учун ширкат галлакорлари астойдил меҳнат қилишмоқда.



Беруний тумани прокуратураси ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот ишларини намунали олиб бормоқдалар.

Суратда: туман прокурори вазифасини бажарувчи адлия қисқ маблағатчиси Асқар Балтаков «Гулистон» маҳалласи фаоллари билан суҳбатда.
Б. ЭРНАФАСОВ олган сурат.

Владимир Попов ҳам ҳамма қатори дурустгина ишлаб, онаси ва сингли билан тинчгина яшаётганди. Лекин ичкилик ича бошлагач, ундан пур кета бошлади. Маош олган кунлари, дўстлари билан «байрам» қилиш одат тусига кирди.

Владимирнинг чайқалиб юрганини кўрган қўшилари, маҳалла фаоллари «ҳеч кимга зарари тегмаптику», дея унинг тақдирини ўта бепарво қарашди.

Бу орада Владимир фарзандли бўлди. Ичаверганидан оиласи бузилиб, боласи тирик етим қолди.

Владимир кундан кунга тубанлашиб бораверди. Йигитнинг феълида жохиллик, худбинлик ошқора сезила бошлади. Аммо таниш-билишлари ундаги бу ўзгаришни қўриб-қўрмаганга олашар, жар ёқасидан қайтаришга ҳаракат қилишмасди.

Хуллас, Владимир тақдирнинг асов ҳукмига бўйсиниб, бир қарашда сеҳрли бўлиб кўринган ичкилик домига ботиб қолди.

Орадан кўп вақт ўтмай, ширақайф Владимир чўнтағида бир шиша вино билан яна она уйи олдида пайдо бўлди. Улар энди биргаликда ича бошладилар. Ширин суҳбат жанжалга айланди. Ҳазабга минган

қирдик. Онамини олиб, касалхонага кетдик.

Олмалик шаҳар суд-тиббийет экспертизасининг хулосасида Надежда Саблина танасига етказилган оғир зарбалар ҳаёти учун хавфли даражада оғир кирдик. Онамини олиб, касалхонага кетдик.

Олмалик шаҳар суд-тиббийет экспертизасининг хулосасида Надежда Саблина танасига етказилган оғир зарбалар ҳаёти учун хавфли даражада оғир кирдик. Онамини олиб, касалхонага кетдик.

Орадан тўрт кун ўтиб, тиббиёт ходимларининг ҳар қанча уринишларига қарамай Надежда Саблина оламдан кўз юмди. Қотил ўз ўғли, 34 ёшли Владимир Попов бўлиб қиди. Олмалик шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича суди феожадаги барча ҳолатларни пухта ўрганиб, Владимир Поповни Ўзбекистон Республикаси жиноят Кодексининг 104-моддаси, 3 бўлими, «Н», «Д» бандлари бўйича айбдор, деб топди.

Владимир Попов ичкилик орқасидан боласини етим қилди, онасининг қотилига айланди. Афсус қилсан киши, кўни қўшилари, маҳалладошлари «ҳеч кимга зарари тегмаптику», деб қўл силтаб қўйишмаганида, йигитнинг тақдирини учун жон қойитганларида Владимир қотилга айланмас, боласи тирик етим қолмас, она ҳаётдан бевақт кўз юммасиди?

Дилшод ТОҲИБОВ,
жиноят ишлари бўйича
Олмалик шаҳар суди судьяси.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Эртага республика талаба-ёшларининг «Универсиада-2002» мусобақалари бошланади

ЕШЛИК ВА ШИЖОАТ БАЙРАМИ

Кадим ва навкирон, гўзал Бухоро шаҳри ҳамда вилоят ахли айни пайтда ёшлик ва шижоат байрами бошланишини катта интиқлик билан куттишмоқда. Эртага мамлакатимиз талаба-ёшларининг аънанавий «Универсиада-2002» спорт мусобақаларига старт берилади.

Мутахассисларнинг эътирофи айтишича, ўқувчи ва талабаларнинг турли кўринишдаги спорт мусобақалари бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд. Аммо мухтарам Президентимиз ташаббуси билан ҳаётимизга кенг тадбиқ этилаётган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ўйинлари ҳали жаҳон тажрибасида қузатилмаган. Кувончлиси, бунга илк мартабда Ўзбекистонда асос солинди ва айни вақтда бу хайрли иш муваффақият билан амалга оширилмоқда. «Универсиада» ўйинлари ёш авлод ўртасида спорт оммавийлигига эришиш орқали ўғил ва қизларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб воёга етишишлари йўлидаги катта имкониятдир. Бундан ташқари, мазкур мусобақа мамлакатимиз олий таълим муассасаларида тахсил олаётган минглаб ёш-

илга ортиб бормоқда. Утган йилга қараганда жорий йилда тўғарақларда мунтазам қатнашувчи талабалар сонининг ўн фоизга ўсганлиги фикримиз исботидир. Олий ўқув юрларида эса жисмоний тарбия ва спорт ишлари замон талаблари даражасида ташкил этилаётди. Хусусан, Урганч Давлат университети ва Тошкент Давлат авиация институтиди янги спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Мусобақалар мезбони Бухоро вилоятида эса мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, Бухоро шаҳрида қисқа вақт ичида кўплаб янги спорт масканлари, меҳмонхоналар қурилди, таъмирдан чиқарилди. Шаҳардаги Ибн Сино номидаги маданият саройи, «Хумо» теннис корти, «Ёшлик», «Семур», «Олимпия», «Нафис» каби спорт иншоотлари, Бухоро Давлат университети, Озёқ-овқат ва энгил саноат тех-



ШАҲНАВА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ишлари бажарилди. Биргина Бухоро шаҳрида ушбу мақсад учун сарфланган маблағ 350 миллион сўми ташкил этди. Шунингдек, Когон шаҳри, Жондор, Қорақўл, Ромитон, Бухоро туман-

налар билан очиладиган «Универсиада» мусобақалари ёшлик ва шижоат, гўзаллик ва эзгулик байрами бўлиб қолишига ишончим комил, — дейди Бухоро Давлат университети касаба уюшма кўмитаси раиси, олийгоҳ волейбол жамоасининг бош мураббийи Гийёс Саломов. — Мамлакатимиз ёшларининг ана шундай нуфузли спорт байрамида вилоятимиз шарафини волейбол беллашуварларида химоя қиладиган спортчиларимиздан умидимиз катта. Бинобарин, мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрилди. Бунда ҳомийларимиз — Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма вилоят кўмитаси ва Ёгончи қайта ишлаш корхоналари муҳим ҳисса қўшдилар.

Хуллас, 26 май кuni Бухоро шаҳридаги Марказий «Бухоро» ўйингоҳида «Универсиада-2002» мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Бу тадбир 30 дан ортқ хоржий мамлакатларга тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Худди шу кунги ўз бағрига 25 минг томошабинни

сиғдира оладиган ўйингоҳда «Универсиада» машъаласи ёқилади. Кунни кеча пойтхат вилоятининг Паркент туманидаги «Физика-Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида таниқли талаба-спортчилар Абдулла Тангриев ва Саида Искандаровалар томонидан ёқилган машъала манзил томон йўл олди. «Универсиада» машъаласини Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятлари орқали Бухорога келтиришда республикамиз олий ўқув юрларида таълим олаётган 25 нафар энг моҳир ёш спортчи қатнашмоқда.

Беллашуварларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган ўн олти жамоанинг 2368 нафар вакили 12 та спорт тури бўйича баҳс олиб боради. Таъкидга лойиқ жиҳат шуки, бу йилги мусобақалар дастурига сузшиш, қўл тўғи, дзюдо турлари ҳам киритилган.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.

Сиз кутган учрашув

У сахнага чиқиб келаркан, чехрасидаги жозиба дарров томошабин эътиборини тортади. Кўз қарашлари замирида ҳаётга йўғрилган малаҳат, меҳрга қоришқил гурур, қурашчанликка чорловчи шижоат мужассам. Бейхитёр ўйлайсан, Тўмарис ва Бибихоним сингари момоларимиздан ўтиб келайтган бу гўзал фазилатлар аёлнинг ички киёфасини безайди, юз-кўзига қўркамлик бахш этади. Агарда шу хислатларнинг ҳаммаси ўй-гунлашса, мукамалликка айланади. У билан суҳбатлашайтиб сездики, актрисани камолотга етаклаган нарса мана шу мукамаллик экан!

кекса актёрлар ўзларининг уюшмалик ўғиллари, маслаҳатлари ямайдилар. Буларнинг ҳаммаси меннинг астойдил меҳнат қилишида, мақсадим сари дадил интилимда кўмакчи бўлади... Муस्ताқиллик йилларидаги ижодим ҳақида алоҳида гапиргим келади. Бу йилларда жуда кўп сахна асарларида турли ролларни ўйнадим. Ҳатто хоржих сахналарида чиқиб, ўз мухлис-

Актриса Саида РАМЕТОВА: «БИР-БИРИМИЗГА КУЛИБ БОҚАЙЛИК»

да ҳам «Мен ўртамиёна эмас, яхши актриса бўлишим керак!» дердим ўз-ўзимга. Менга қандай рол топширилмасин, уни маромига етказиб ижро этишни, ҳатто энг кичик ижром билан ҳам томошабиннинг эсида қолишни истардим. Қўшиқ айтиб юришим жамоага маълум бўлгандан кейин мен «Майсаранинг иши», «Беш сўмлик келин», «Аршин мололонкаби мусиқий сахна асарларида чиқдим. Гоҳида спектаклларда, «Оталар сўзи - аклнинг кўзи» телекўрсатувларида салбий образларини яратганман. Шундай кезларда кўчага чиқсам, кесалар ҳатто саломимга алик олишмас-

ларим сафини кенгайтирдим. Тўғри, муस्ताқилқидан илгари ҳам чет элга борганмиз. Бироқ, у кезларда томошамизни кўриб бўлишгач, томошабинлар «Сизлар покстонликмисизлар?» деб бизнинг зебу зийнатларимизни кўллари билан ушлаб кўрардилар. Ўзбеклар дийридан эканлигимизни айтсак, «У жой қарда?» дегандек елка қисирарди. Эндиги кунларда эса юртимизга чет элликлар муносабати баътамом ўзгача. Биз кейинги йилларда Англия, Франция, Германия, Миср, Ҳиндистон сафарларида бўлдик. Бизнинг чиқаришларимизни эълон қилишайтиб, «Ўзбекистон» сўзи айтилганда бутун залдаги хоржиликлар ўринларидан туриб кетишарди. Тинмай олқишларди. У ёқлардан жуда ғурурланиб қайтганмиз! Ўша йилларда «Энг яхши аёл образи учун» кўрик-танловига қатнашдим, кейинроқ менга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилди. Шу кунларда эса тиним билмай ижод қилмоқдаман. Эркин Хушвақтовнинг «Қалиқ ўйин» сахна асариди Аноргул, Усмон Азим қаламига мансуб «Бир қадам йўлда Саодат», «Ўзбекфильм»да ярилган «Аёлнинг бир макрида» Ортобхон, «Ажал сўмоғи»да она ролларини ўйнаганман. Бундан ташқари, «Юз тоғоранинг оз ногораси» кўп сериали видеофильмида сураатга тушяпман. Олдинда эса мақсадларим янада улкан. Мукамал ўзбек оналари образини яратмоқчиман. Дунё тан олган кўҳна Шарқ аёлнинг ҳамки гўзал фазилатлари ҳам бўлади бу образда. Мен уни албатта яратаман!



Биз Саида Раметовани одатдагидек турлича саволларга кўлиб ташламадик. Аксинча, ўзи ҳақида гапириб беришини ва мақсадга етиш учун қай йўлдан бориш зарурлигини сўрадик. Биринчи сўраганимиз бирмабир қозғога туширдик.

— Асли Самарқандда туғилиб, воёга етганман. Бу сехрли шаҳар меннинг бололигим ўтган гўша, соғинчима айланган дунё... Ота-онам гарчи оддий меҳнат қилишлари бўлишса-да, санъатни жуда қадрларди. Давраларда аёллар «Заҳробону, битта қўшиқ айтиб беринг» дейишса бас, онам дарров дутор ё чилдиргани қўлига олар, ширала овози билан кўпчиликни мафтун этарди. Укам, сингилларимнинг ҳам бийойидек овозлари бор, ҳали-ҳали қўшиқ ва ўйинлари билан давраларни қизитишарди. Оиламиздаги санъатга ошуфталик балки меннинг актриса бўлишимга туртки бергандир. Эсимда, Боғишомлдаги 13-мактабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ биринчиликка интилардим. Ўзим синфдаги болаларга етакчи эдим, қандай йигин ёки беллашу бўлмасин, «Факат биз энг кичишимиз керак» дердим ва синфдошларимни шунга ишонтирдим. Олдимга қўйилган вазифани бажариш мен учун энг муҳим масала эди. Менда бир гаройиб фазилат бор. Ҳар қандай вазиятда мақсадга етиш, ҳаққоний йўлдан чекинмаслик кон-қонимга сингди кетган. Тошкентга келиб институтни битиргач, театрга иш бошлаганим-

ди. Бундан ҳафа бўлмасдим, демак ролимни қўйиб қилиб ижро этибман, дердим. Аслида, салбий ижролар инсонларнинггина эмас, балки актрисанинг ўзини ҳам тарбиялаб боради. Ахир, «Бирини кўриб фикр қил» деган гап борку. Лекин, яхшиликка не етсин. Қанийди, ҳамма инсонлар бир-бирларига доимо қулиб боқиш! Ён-атроф меҳринг нуридан чарқлаб кетармиди... Ҳаёт қизиқ. Кимдир бировнинг ёмонлигини сезиб қолса, унга ҳам ўзининг ёмонлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлади. Менимча, бу нотўғри. Иллати бор кишилардан ҳам фазилат қидириб яшашимиз лозим. Қай кун келиб яхши муносабат, меҳр ҳар қандай ёмон кишини ҳам жаҳидан тўширади, инсофга келтиради. Ахир, кимдир сен тўғри ёмонликдан тийилиб, ижобий томонга ўзгарса, қанчалар соз! Едимда, эндигина келин бўлиб тушган вақтларимда қайнонам мен — «актриса келинга» унчалик кўниқолмай юрганди. Ушандан жон-жаҳдим билан яхши келин бўлишга ҳаракат қилардим. Кўп ўтмай, қайнонам билан апок-чапоқ бўлиб кетдик. Ун етти йил она-боладек яшадик. Дуоларини олдим. Умуман, оилада бахтли-тахтли аёлман. Турмуш ўртоғим Жумадулла Раметов Аббор Худояттов номи театрга етакчи роллари бажаради. Фарзандларимиз — Улуғбек, Азизбеклар кўзимизнинг оқу қоралари. Айни дамда ўзим ишлаётган Ўзбекистон Миллий Академик драма театридаги ҳамкасбларим доимо қўллаб-қувватлашди. Республикага таниқли


...Ҳаёт инсонга бир марта тўхфа этилади, демак уни мазмуни ўтказиш керак, дейди актриса. Бу — унинг ҳаётини фалсафаси. Ҳақиқат эса кўпроқ қалбдаги ёғу туйғуларда акс этади. Суҳбатимизни якунлаштириб, актрисага юракдан чиқариб айтган гаплари учун миннатдорчилик билдиридик ва унинг доимо халқ орасида азизу ардоқли бўлиб юришини тиладик.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

лар орасидан иқтидорларини саралаб олиш, маҳоратини оширишда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Дарвоқе, айни шу мусобақалар билан талабалар ўртасида спортга қизиқиш йилдан-

нологисаи институти ўқув бинолари, ётоқхона ва соғломлаштириш мажмуалари ажойиб кўриниш олди. Мусобақаларга тайёргарлик жараёнида кенг қўламадаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш

ларидаги ўйингоҳ ва спорт иншоотларида бажарилган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. Айни вақтда вилоятдаги барча спорт масканлари мусобақаларни ўтказишга шай қилиб қўйилган. — Эртага катта танта-



СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ!

Республикамиздаги барча мактабларда сўнги кўнғиқроқлар янграб, битирувчи синф ўқувчиларини муस्ताқил ҳаётга чорлайди. Соғлом авлод саодатидан садо бериб янграйди, сўнги кўнғиқроқ! Муस्ताқил ҳаёт, муस्ताқил яшашмоқ оналари бошланганидан огоҳ этади, сўнги кўнғиқроқ! Битирувчи синф ўқувчилари, бир-биридан меҳрибон, дилкаш ва дилбар муаллималар ҳаяжонда.

Олдинда катта ҳаёт мактаби: изланишлар, курашлар, ўзликни топмоқ машаққатлари... Бу йўлда Сўнги кўнғиқроқ ширин хотира бўлиб яхшиликка, меҳр-оқибатга, болаликнинг беғубор онларига чорлаб тураверади. Ёшларга иззат, қариларга ҳурмат рамзи сифатида қалбларда муҳрланади. Сўнги кўнғиқроқ шунинг учун ҳам ҳар йили



катта байрам сифатида тантана қилинади. Шу кунни айниқса битирувчи синф ўқувчилари учирма бўлаётган оқ кабутарлар мисол ороланиб, зебо-ланиб, кучоқлари гулга, юраклари меҳрга тўлиб мактабга шошиладилар. Гулларга қўшиб қалбларидаги энг покиза туйғуларни устозларига улашадилар, мактаб оstonасига эндигина қадам қўйган болақайларга ҳавас билан боқиб, авлодлар аънанасини уларга топширадилар.

А.КОДИРОВА.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақдаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда Эркин нархда.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.